

А ж р и м
(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш
хақида)

2022 йил декабрь ойининг 5 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди, “Чўпон ота” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: суд раиси Д.Камилов, судья ёрдамчиси Х.Мамадалиевнинг котиблигида, Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Рустамов, айбланувчи В.Икрамов, жабрланувчи М.Ташходжаевнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланган:

1975 йил январь ойининг 13 куни Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чакмоний кўчаси, 30-уйда яшовчи, шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган,, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 29 ноябрда олган Икрамов Вохитжон Рашидович /IKRAMOV VOXITJON RASHIDOVICH/га оид 1-1007-2201/882-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Икрамов Вохитжон Рашидович, 2022 йил 4 октябрь тахминан соат 15:00ларда, Тошкент шаҳар Учтепа тумани 23-мавзе, Фарход кўчасининг Лutfий кўчаси билан кесишган чорраҳасида бўла туриб, қасддан баданга шикаст етказиш мақсадида, М.Ташходжаев билан ўрталарида юзага келган келишмовчилик юзасидан ўзаро жанжаллашиб, ўнг қўлининг мушти қисми билан М.Ташходжаевнинг юз қисмига кучли зарба бериб, бир маротаба уриб, тан жароҳати етказган.

2022 йил 11 октябрдаги 7452-Хуж-Кур-сонли суд тиббий экспертизаси М.Ташходжаевнинг чап кўз орбитасининг ёпиқ бўлакраниб синиши, чап гаймор бўшлиғи олд ва латерал деврининг ёпиқ чизиксимон синиши, чап кўз ости соҳаси эзилиб-йиртилган яраси, чап кўз қовоқлари тери ости гематомаси, чап кўз склерасига қон қуйилиши шаклида жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражасига кўра, соғлиқни узоқ, яъни 21 кундан кўп муддатга бузилишига олиб келган “ўртача оғир” тан жароҳатига кириши аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи В.Икрамов ва жабрланувчи М.Ташходжаев ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Суд мажлисида, судланувчи В.Икрамов ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчи



М.Ташходжаевга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ҳозирда жабрланувчи М.Ташходжаев билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлисида, жабрланувчи М.Ташходжаев ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, В.Икрамовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд судланувчи В.Икрамов, жабрланувчи М.Ташходжаевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Рустамовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи В.Икрамовнинг айбига ихтиёрий равишда иқроорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖК 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, В.Икрамовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи М.Ташходжаев Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м қ и л д и:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланган Икрамов Вохитжон Рашидович /IKRAMOV VOXITJON RASHIDOVICH/га нисбатан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.



Жабрланувчи Ташходжаев Мухтор Маратовичга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

В.Икрамовга нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик тарзидаги эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил: 1 дона DVD диск жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда сақлансин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Д.Камилов

Ажрим аслига тўғри.

Маъсул судья: Камилов Дилшод Тулкунджанович

